



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КОМПЛАЕНС-НАЗОРАТНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Ахмедова Х.О.
Банк-молия академияси

Аннотация: Мақолада тижорат банкларида комплаенс-назоратнинг механизмлари, хусусан, "мижозингни бил" сиёсати ҳамда тартибга солиш соҳасидаги рақамли технологиялардан фойдаланиш йўналишлари ёритилган. Республикамиз тижорат банкларида комплаенс-назоратни жорий этиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: комплаенс, комплаенс-назорат, "мижозингни бил" сиёсати, тақсимланган реестр, пулни легаллаштириш.

MODERN MECHANISMS AND TECHNOLOGIES OF COMPLIANCE CONTROL IN COMMERCIAL BANKS

Akhmedova Kh.O.
Banking and Finance Academy

Abstract: The article describes the mechanisms of compliance control in commercial banks, in particular, the policy of "know your customer" and the use of digital technologies in the field of regulation. Scientific proposals and practical recommendations for the introduction of compliance control in commercial banks of the Republic have been developed.

Keywords: compliance, compliance control, "know your customer" policy, distributed ledger, money laundering.

1. Кириш.

Маълумки, банк сектори юқори даражада тартибга солинувчи тармоқ бўлиб, унинг барқарорлиги мамлакат тўлов тизими учун ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Шу боисдан, банк фаолиятини тартибга солиш, комплаенс-назорат соҳасидаги талаблар ва қоидаларга риоя қилиш тижорат банклари учун долзарб аҳамият касб этади. Тижорат банкларида комплаенс-назорат функциясини самарали ташкил этишни рағбатлантирувчи қатор омиллар мавжуд бўлиб, улар қаторига молиявий хавфсизликка нисбатан таҳдидларнинг кучайиши, хусусан, хуфёна, ноқонуний фаолиятларнинг кенгайиши; юқори технологик молиявий инновацияларнинг пайдо бўлиши ва кенг жорий этилиши оқибатида хўжалик субъектларининг турли мақсадларини амалга ошириш имкониятининг ортиши; капитал ҳаракатини эркинлаштириш кўламининг кенгайиши; инсофсиз хўжалик субъектлари учун жиноий даромадларни қонунийлаштиришга имкон берадиган жаҳон молия бозорлари, хусусан, оффшор ҳудудларнинг мавжудлиги кабиларни киритиш мумкин.

Бундан ташқари, рақамли молиявий технологияларнинг шиддат билан ривожланиши банкларнинг комплаенс-назорат тизими олдида янги вазифаларни қўймоқда.

2. Адабиётлар шарҳи.

Комплаенс (ингл. compliance – розилик, мувофиқлик; to comply – риоя этмоқ феълидан келиб чиққан) – қонун ёки кўрсатмаларга мувофиқ фаолият юритишни, итоаткорликни англатади (*Оксфордский толковый словарь, 2013*).

Содда қилиб айтганда, комплаенс - бу ҳар қандай ички ёки ташқи талабларга ёки қоидаларга мувофиқликдир. Мувофиқлик, ўз навбатида, ташкилотнинг менежмент ёки назорат тизимининг бузилиши, қонунчилик талаблари, қоидалари, назорат органлари, тармоқ бирлашмалари ва ўзини ўзи бошқариш ташкилотлари қоидалари ва меъёрларига риоя қилмаслик хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ жиҳатларни қамраб олади. Бундай номувофиқлик рисклари, пировардида, қонунларга, умумий қабул қилинган қоидалар ва стандартларга риоя қилмаслик натижасида қонуний ёки меъёрий санкциялар, молиявий ёки обрўни йўқотиш шаклидаги зарар сифатида намоён бўлиши мумкин.

Глобал молиявий инқироздан сўнг амалдаги тартибга солиш тизимининг мувофиқлиги сўроқ остига олина бошланди. Тартибга солиш тизимининг заифлиги молиявий инқироз сабабларидан бири сифатида қайд этилди. Шунга қарамай, тадқиқотлар тартибга солиш тизими ва банк фаолияти самарадорлиги ўртасида тўғри-тўғри боғлиқлик мавжудлигини тасдиқламайди. Шу боисдан, айрим иқтисодчилар томонидан тартибга солиш соҳасида комплаенс харажат сифатида ҳам қаралади (*Ayadi va boshq., 2016*).

Банк фаолиятида тартибга солиш ва комплаенс қоидалари шу даражада мураккаблашиб ва мукамаллашиб бормоқдаки, биргина АҚШнинг банк фаолиятига доир тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларини ўқиш учун 2017 йил маълумотларига кўра 5700 соат зарур бўлади (ҳар дақиқада 300 та сўз ўқиш тезлигида) (*Eyermann, 2017*).

Тадқиқотлар натижалари кўрсатишича, банк сектори энг хавфли тармоқ ҳисобланади. Айти пайтда, пул ювиш билан шуғулланувчилар юқори даражадаги махфийликни сақлайдиган ва зарарсиз кўринадиган усуллардан фойдаланишни афзал кўришади (*Said va boshq., 2013*).

3. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш хавфининг пайдо бўлишига олиб келадиган молиявий таҳдидларнинг ўсиши муносабати билан банк ва унинг мижозлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига мос келадиган хатарларни бошқариш ва баҳолаш тизимини йўлга қўйиш зарур. Айти пайтда, тижорат банклари ноқонуний даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида ички меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиши, хусусан, "Мижозингни бил" (Know Your Client – KYC) сиёсатини йўлга қўйиши муҳим аҳамиятга эга.

Мижозлар борасида тегишли текширувларни ўтказиш битимни амалга оширувчи жисмоний ва юридик шахсларни аниқлаш учун маълумотларни ёзиб олиш, битимни олувчи ва унинг вакилини аниқлаш учун маълумотларни ёзиб олиш, шунингдек уларнинг имзосини текшириш, ишбилармонлик муносабатлари ва мижоз томонидан амалга ошириладиган битимларни доимий ўрганиш кабиларни қамраб олади.

"Мижозингни бил" сиёсатининг уч босқичли олдини олиш, аниқлаш, ҳисобот бериш мақсадларини кўзлайди.

Олдини олиш, ўз навбатида, мижозни идентификация қилиш, мижозни билиш, чуқур текширув ва хавфни баҳолаш кабиларни қамраб олади. Аниқлаш босқичи мижознинг операцияларини кузатиб бориш, мижознинг хатти-ҳаракатларини тавсифлаш ва вақти-вақти билан кўриб чиқишдан иборат. Учунчи босқич, яъни "ҳисобот бериш" шубҳали операциялар тўғрисида хабар бериш, раҳбариятни хабардор қилиш, рискларни таҳлил қилиш, операцияларни тўхтатиб туришдан иборат бўлади.

Банклар томонидан белгиланган KYC жараёнлари ўз мижозларининг ҳақиқий эканлигига ишонч ҳосил қилиш, хатарларни баҳолаш ва мониторинг қилиш учун барча зарур тадбирларни ўз ичига олади. Ушбу жараёнлар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва бошқа ноқонуний коррупция схемаларини олдини олиш ва аниқлашга ёрдам беради.

KYC жараёни, ўз навбатида, мижознинг ID картасини текшириш, юзни текшириш, манзилни тасдиқловчи ҳужжат сифатида коммунал тўловлар ва биометрик текширишни ўз ичига олади.

Таъкидлаш лозимки, банклар фирибгарликни чеклаш учун KYC қоидаларига ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши қоидаларга риоя қилишлари шарт. Бу эса KYC бўйича жавобгарликни банкларга юкланишини англатади.

АҚШ, Европа, Яқин Шарқ ва Осиё Тинч океани минтақасида 2008-2018 йилларда жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш, КҮС талабларига риоя қилинмаганлик учун жами 26 млрд. АҚШ доллар миқдорида жарима ундирилган¹. Бу ўринда обрўга етказилган зиён баҳоланмаган.

2019 йил охирига келиб, Буюк Британия Пруденциал тартибга солиш идораси (the Prudential Regulatory Authority (PRA)) Citigroup Global Markets Limited (CGML), Citibank N.A. Лондон филиали ва Citibank Europe Plc Буюк Британия филиалини (барчаси биргаликда – Сити) ички назорат ва бошқарув тартиб-қоидалари билан боғлиқ хатолари учун 43,9 миллион фунт стерлинг миқдорида жаримага тортган².

КҮС текширувлари ҳужжатлар, маълумотлар ёки маълумотларнинг мустақил ва ишончли манбалари орқали амалга оширилади. Ҳар бир мижоздан шахсини ва манзилни исботлаш учун маълумотларни тақдим этиш талаб қилинади.

2018 йил май ойида АҚШнинг молиявий жинойтларга қарши курашиш тармоғи (the U.S. Financial Crimes Enforcement Network (FinCEN)) - банкларга ташкилотлар ҳисоб рақамларини очганда ушбу компанияларга эгалик қиладиган, уларни бошқарадиган ва ундан фойда оладиган юридик шахс мижозларининг жисмоний шахсларини тасдиқлаш бўйича янги талабни жорий қилди.

Айни пайтда, мижозни электрон тарзда билиш, яъни еКҮС тизимини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, Ҳиндистонда мижозни электрон тарзда билиш – бу мижознинг шахсини ва манзилни Aadhaar аутентификацияси орқали электрон тарзда текшириш жараёнидир. Aadhaar Ҳиндистоннинг миллий биометрик электрон ID схемаси ҳисобланади. Ҳиндистонда еКҮСни оммалашишига сабаб мамлакатда вояга етган аҳолининг қарийб 99 фоизда рақамли идентификатор мавжудлиги бўлиб, 2020 йилнинг декабрь ойига келиб, 1,27 млрд. аҳоли Aadhaar рақамини олган³.

Тартибга солиш жараёнларини кучайтиришга нисбатан ўсиб бораётган талабни қондиришга хизмат қилиши кутилаётган замонавий рақамли технологиялар (RegTech) сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Улкан маълумотлар таҳлили (Big Data Analytics) технологияларидан структуризация қилинган ва қилинмаган маълумотлардан самаралироқ фойдаланиш ва дастурлаштириладиган ҳисоботларни қўллаб-қувватлаш учун фойдаланиш мумкин. Ушбу технология мижозларнинг хатти-ҳаракатлари ва уларнинг алоқалари ҳақида кўпроқ билиб олишга ёрдам беради. Зеро, пулни легаллаштириш ва фирибгарлик каби кўплаб тартибга солиш муаммоларини анъанавий риск ва назорат қилиш механизмлари орқали аниқлаш тобора имконсиз бўлиб бормоқда.

2. Табиий тилда қайта ишлаш (Natural language processing – NLP) - ушбу технология қайта кўриб чиқилган ёки янгиланган қоидаларни сканерлашни ва ўзгартирилган риск тўғрисидаги ҳисоботни ўз ичига олган мураккаб тартибга солишга доир комплаенс вазифаларини қўллаб-қувватлаши мумкин. Ушбу алгоритмларни мазкур функцияларни доимий равишда бажариш, таъсирни комплаенс жараёни иштирокчилари билан бўлишиш ва қарор қабул қилишнинг муҳим омилларини аниқлаш учун автоматлаштириш мумкин.

3. Жараёнларнинг роботлашган автоматлашуви (Robotic Process Automation – RPA) – маълумотларни йиғиш, форматлаш ва таққослаш вазифалари каби қўлда бажариладиган ишларни автоматлаштириш орқали RPA самарадорликни ошириши мумкин. Рисклар тўғрисида ҳисобот бериш жараёни автоматлаштирилганда турли мамлакатларда юқори ҳажмли ва мураккаб қоидалар билан ишлаш осонроқ бўлади.

4. Тақсимланган реестр технологияси (Distributed ledger technology – DLT) - RegTech билан боғлиқ турли хил жараёнларни рақамлаштириш, бэк офис ходимлари ва бўлимларига боғлиқликни минималлаштиришга имкон беради. Бундай анъанавий жараёнларни рақамли текшириладиган иш оқимлари билан алмаштириш орқали комплаенс ва тартибга солиш амалиёти самарадорлиги ортади.

¹ <https://www.complianceweek.com/report-financial-firms-fined-26b-for-aml-sanctions-kyc-non-compliance-since-2008/8088.article>

² PRA. 2019. PRA fines Citigroup's UK operations £44 million for failings in their regulatory reporting governance and controls. Bank of England. <http://www.bankofengland.co.uk/news/2019/november/prafines-citigroups-uk-operations-44-million-for-failings>.

³ <https://uidai.gov.in/>

5. Сунъий интеллект (Artificial Intelligence – AI) – AI янги мижозларнинг мослашиш жараёнини янада оқилона ва самаралироқ ўтказишда, мавжуд риск ва бошқарув тизимидаги заиф томонларни аниқлашда ҳамда молиявий ресурсларни оқилона тақсимлашда ёрдам бериши мумкин.

6. Булутли ҳисоблаш (Cloud Computing – CC) – тарихий равишда тарқоқ бўлган маълумотлар тизимларини бирлаштириш учун рисклар тўғрисидаги маълумотларнинг реал вақт режимида стандартлаштирилган кўринишини яратиш учун муҳим IT инвестициялари ва узоқ муддат талаб қилинади. Булутли ҳисоблаш технологияси ушбу маълумотларнинг бир қисмини ва ишлов бериш муаммоларини тезроқ ва самарали ҳал қилиши мумкин. Булутли платформа корхоналар талабларни ўзгартириши билан кўламини кенгайтиришга имкон беради ва Machine Learning ва Big Data Analytics каби бошқа маълумотлар методологиялари ва аналитик тизимларини жорий қилиш осонлашади.

7. Машинали ўқитиш (Machine Learning – ML) – ҳисоблаш моделларини қайта синовдан ўтказишда ёрдам беради ва пул оқимларини прогноз қилишнинг башорат қилинишини яхшилайти.

8. Иловаларни дастурлаш интерфейси (Application programming interface – API) - мазкур технологиялар турли қисмларга ажратилган фаолиятнинг янада яхши интеграциясини таъминлайди ва регуляторларга автоматлаштирилган ҳисоботларни тақдим этиш имкониятини беради.

1-жадвал.

RegTechнинг тартибга солиш соҳаларида қўлланилиши⁴

	Тартибга солиш бўйича ҳисобот бериш	Комплаенс	Трансакцияларни мониторинг қилиш	Идентификация жараёнларини бошқариш	Рискларни бошқариш
Улкан маълумотлар таҳлили	-	-	+	+	+
Табиий тилда қайта ишлаш	+	-	-	-	-
Жараёнларнинг роботлашган автоматлашуви	+	-	+	-	-
Тақсимланган реестр технологияси	+	+	-	-	-
Сунъий интеллект	-	-	+	+	+
Булутли ҳисоблаш	-	+	-	+	-
Машинали ўқитиш	-	+	-	-	+
Иловаларни дастурлаш интерфейси	+	+	-	-	-

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, RegTech таснифига кирувчи рақамли технологиялардан энг кўп комплаенс соҳасида фойдаланиш мумкин. Хусусан, айнан комплаенс самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган рақамли технологиялар сирасига тақсимланган реестр технологияси (блокчейн), булутли ҳисоблаш, машинали ўқитиш, иловаларни дастурлаш интерфейси кабиларни киритиш мумкин.

Энди республикада тижорат банкларида комплаенс-назоратни жорий қилишнинг ҳуқуқий асосларига тўхталиб ўтаемиз.

⁴ Муаллиф ишланмаси.


Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида” 660-II-сон Қонунининг 7-моддасига мувофиқ, мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар белгиланган. Хусусан, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар:

ички назорат қоидаларида белгиланган ҳолларда хўжалик, фуқаровий ҳуқуқий муносабатлар аниқланганда;

ички назорат қоидаларида белгиланган ҳолларда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ бир марталик операциялар амалга оширилганда;

шубҳали операциялар амалга оширилганда;

мижознинг шахси тўғрисида аввал олинган маълумотларнинг тўғрилигига нисбатан шубҳалар мавжуд бўлганда, мижозларни лозим даражада текшириш бўйича мустақил чора-тадбирлар кўришлари шарт.



1-расм. Тижорат банкларидан ноқонуний даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш механизми⁵

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2017 йил 23 майдаги “Тижорат банкларидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги 2886-сонли қарорига мувофиқ, тижорат банкларининг ички назорат тизимига нисбатан талаблар ўрнатилган. Шунингдек, ушбу қарор билан банкларга комплаенс назоратни, аудитни ва (ёки) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш функцияларини гуруҳ

⁵ Муаллиф ишланмаси.

даражасида таъминлаш, жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадлари учун зарур бўлган ҳолларда филиаллардан ва шўба корхоналардан уларнинг мижозлари, ҳисобварақлари ва операциялари тўғрисидаги маълумотларни олинишини таъминлаш вазифаси ҳам белгиланган.

Умуман олганда, тижорат банкларида ноқонуний даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш механизми мавжуд бўлиб, доимий такомиллаштириб боришни талаб этади (1-расм). Айти пайтда, рақамли технологиялар туфайли тўловлар соҳасида юзага келган янги имкониятлар боис комплаенс рискларининг турлари кўпайиб, уларни бошқариш янада мураккаблашиб бормоқда.

4. Хулоса ва таклифлар.

Рақамли банк фаолиятининг ривожланиши, марказий контрагентсиз тўловларни амалга ошириш имконини берувчи рақамли технологиялар шароитида банкларнинг комплаенс функциясини қайта кўриб чиқишлари талаб этилади.

Хусусан, республикамиз тижорат банкларида комплаенс функцияси ички назорат тизими билан параллел ишловчи мустақил таркибий бўлинмага айланмас экан, замонавий таҳдидлар ва рақамли молиявий технологиялар шароитида комплаенс рискларини самарали бошқариш имконсиз бўлиб қолаверади.

Фикримизча, республикамиз банк секторида комплаенс функциясини самарали ташкил этишда нафақат Базель қўмитасининг талабларига риоя этиш керак, балки комплаенс-назорат самарадорлигини ошириш мақсадида блокчейн ва бошқа рақамли технологиялардан фойдаланишга етарлича эътибор қаратиш зарур.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Ayadi, R., Naceur, S. B., Casu, B., & Quinn, B. (2016). *Does Basel compliance matter for bank performance? Journal of Financial Stability, 23, 15–32.* doi: 10.1016/j.jfs.2015.12.007

Eyermann, C. (2017) The time cost of regulation. MyGovCost.org.

Jamaliah Said, Erlane K. Ghani, Normah Omar, Sharifah Norzehan, Syed Yusuf (2013) Money Laundering Prevention Measures among Commercial Banks in Malaysia/ International Journal of Business and Social Science/ Vol. 4 No. 5; May 2013.

Словарь (2013) Бизнес. Оксфордский толковый словарь. Англо-русский словарь. – М.: Прогресс-Академия, РГГУ, 752 с. (Dictionary (2013) Business. Oxford Explanatory Dictionary. English-Russian dictionary. М. : Progress-Academy, RGGU, - 752 p.)